

## ТУШУНАРСИЗ СЕВГИ ИЗҲОРИ

(Ҳикоя)

Гул дўконига ишга кирганимга икки ҳафта бўлди.

«Ўғил бола бўлсанг, гул дўконига нима бор», демоқчимисиз? Гул дўконининг эгаси ҳам худди шундай фикрда. Сухбатга келган куним, у «Ўғил бола деган гуллар орасида аралашиб юрмай, билагини ишга соладиган меҳнат қилгани яхши эмасми?», деб сўради. У ҳақ эди, бироқ менга гуллар ёқарди. Ўғил бола бўлсам-да, болалигимдан гуллар шайдосиман. Тенгдошларим тўп тепиб юрган пайт мен гулбоғлар ичра кезардим. Гоҳо капалакнинг, гоҳо ниначининг ортидан югуриб юрардим. Бу машғулот менга тўп тепишдан кўра, минг чандон қизикроқ туюларди.

Кейин гуллар ҳаётимнинг мазмунига айланди.

– Дада, бу гулнинг номи нима?

– Ойи, бу гулни нима дейишади?

Катталардан гуллар номини сўраганим сўраган эди. Бироқ катталар ҳам гоҳи жавоб беролмай қолишарди.

– Билмасам, ўғлим, гул-да гул.

Мақтаб кутубхоначисидан ёрдам олдим. Карл Линнейнинг «Ўсимликлар орзуси» ва яна бир талай китобларини ўқиб тугатдим. Гуллар соат ўрнини босиши мумкин, ҳа ҳа. Гуллар гапиради десам, ишонмасиз, эҳтимол. Лекин бу ҳақиқат. Гулларнинг тилини тушуна бошлаганимда ўн беш ёшда эдим.

Мисол учун, мойчечак ёшлик рамзи, чиннигуллар эса биринчи севги ва эҳтиросдан сўзлайди. Сарик чиннигуллар «Сиз мени хафа қилдингиз» деб гина қилаётгандек, пушти чиннигуллар эса «Мен сизни ҳеч қачон унутмайман», дейди. Астра нафислик рамзи, унда яширин бир ният, пинҳона туйғу мужассам. Оқ астра эса «Мен сени кўпроқ севаман», деяётгандек. Оқ сумбул «Сиз гўзалсиз», дейди, сариғи эса ҳасаддан сўзлайди. Ясмин севишганлар гули. Кактус чексиз бардошни англатади, хризантема япончада куюш дегани, калалар эса ҳавас ва ҳурмат рамзи. Оқ камелиялар «Сиз ажойибсиз», дейди, пуштиси «Сизни соғиндим», қўнғироқгул «Доим сиз ҳақингизда ўйлайман, нега мени қийнайсиз?», деб йиғлаётгандек. Мимозанинг туйғулари яширин, эҳтимол, шу учун ҳам уни «уйтчан»